O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 2 июль, № 129 (4539) Чоршанба

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## жаҳон андозалари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратмоқда

Модернизация

***Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонасида ҳам цехларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация қилиш ишлари изчил амалга ошириб келинмоқда.***

Кейинги йилларда шундай мақсадлар учун 2 миллион АҚШ долларидан ортиқ хориж сармояси жалб этилди. Ўз навбатида, маҳаллий инвестиция ҳам ўзлаштирилмоқда. Ҳадемай, амалиётга татбиқ этиладиган янги лойиҳа давлат акциядорлик тижорат "Асака" банкининг 2 миллион 100 минг АҚШ долларилик кредити эвазига амалга оширилаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, бунинг шарофати билан корхонада ип газлама ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 1500 тоннага етади.

Эришилаётган ютуқларнинг яна бир омили бор. Бу қўшма корхонада меҳнат қилаётган 900 нафар ишчининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларга яратиб берилган қулай шарт-шароитдир. Ўз касбининг усталари томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти.

Корхона иқтисодчиси Ўроқ Ҳайдаровнинг айтишича, ўтган йили тўққиз миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан тўрт миллион АҚШ долларилик тайёр маҳсулот Италия, Польша, Россия, Туркия каби давлатларга экспорт қилинди.

Чет эллик ҳамкорлар талабини қондириш мақсадида "Сурхонтекс"да мавжуд имкониятлар ишга солиниб, ишлаб чиқариш суръати оширилди. Пировардида шу йилнинг ўтган беш ойида 1653 тонна калава ип, икки миллион погон метрдан зиёд газлама — жами 4 миллиард 128 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Устувор режа йил охиригача 15 миллион АҚШ долларилик жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА.**



**СУРАТДА:** қўшма корхона фаолиятидан лавҳа.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ



***«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг расман эълон қилинганлигига бугун роппа-роса 16 йил тўлди. 1992 йилнинг 2 июль кунидан бошлаб Давлат герби тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари биноларига ўрнатилди. Бундан ташқари, олий рамзимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролар паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Истиқлолнинг илк йилларидаги маърузаларидан бирида давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирганлигини ва мана шу рамзларни эъзозлаш — фуқароларнинг ўз қадр-қимматини, мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаши демакдир, дея таъриф берган эдилар.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари мамлакатимизнинг янги рамзларида, жумладан, Давлат гербида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Давлат гербимиздаги тасвирга бир назар ташлайлик. Думалоқ кўринишга эга шаклнинг сўл томони буғдой бошоқлари, ўнг томони эса қийғос очилган ғўза ифодаланган чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз; унинг ички қисмида эса ярим ой ва юлдуз; марказида — бахт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган

(Давоми 2-бетда).

▼ Тадбир

***Кеча парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.***

# РЕКЛАМАНИНГ ҲАМ ЎЗ ҚОИДАСИ БОР

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирлик ва тармоқ вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилган назорат-таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя этилиши борасида муайян ишлар қилинганлигини қайд этдилар.

Айни пайтда ўтказилган назорат-таҳлил давомида огоҳлантиришсиз реклама роликлари берилиши, яширин ҳолда реклама босилишига йўл қўйилганлиги, реклама дастурини белгиланганидан кўпроқ муддат эфирга узатиш, маҳсулотларни реклама қилишда товарларнинг сертификатланганлиги ва хизматлар лицензияланганлиги ҳақидаги маълумотларни бермаслик ҳолатлари билан боғлиқ қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди.

Йиғилиш сўнгида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**М. ЗОҲИДОВА.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***1 июль куни депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

"Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказишга, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга, фавқулодда вазиятларни тугатиш ишларига раҳбарлик қилишга дахлдор ҳуқуқий қоидаларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар киритдилар. Депутатлар қутқарувчилар мақомини ва улар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш масалаларига, шунингдек, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратдилар. Муҳокама чоғида қутқарувчиларнинг мажбуриятларини белгилаш, хусусан, уларнинг жисмоний, махсус, тиббий, руҳий тайёргарлигини ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни тугатиш бўйича ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштириш, қутқарув ишларини ўтказиш технологиясига оғишмай риоя этиш, жабрланганларни қидириш ва уларни қутқариш чораларини кўриш, уларга дастлабки тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш масалаларига тааллуқли таклифлар ҳам киритилди.

Ҳужжат нормаларини батафсил муҳокама қилиш пайтида киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди.

"Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси F.Сафаров тақдим этди. Ушбу ҳужжатни муҳокама қилиш пайтида лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги жорий йилнинг 24 апрелидаги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун лойиҳасига биноан баҳолаш хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага қўйиладиган мажбурий талабларга, шунингдек, баҳолаш ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир моддаларни такомиллаштириш таклиф қилинмоқда. Баҳолаш ташкилотида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси бўлиши шартлиги тўғрисидаги талаб, шунингдек, баҳолаш ташкилоти сифатсиз баҳолаш натижасида буюртмачига етказилган зарар учун унинг олдида жавобгар бўлишига доир норма биринчи марта жорий этилмоқда.

Қонунчилик палатаси ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида киритилган айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 май куни эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Навоий вилоятида ҳам олимлар ва мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, илмий анжуманлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда.***

# ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАР КЎРГАЗМАСИ

▼ Фармон ва ижро

Олтмиш йилдан буён халқаро ҳуқуқ тизимининг асоси ҳисобланиб келинаётган мазкур декларациянинг устувор принциплари мамлакатимиз Конституцияси ва қонунчилигида ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётир. Суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланиши, жиноий жазоларнинг либераллашуви, ярашув институтининг жорий қилиниши, 2008 йилнинг январидан ўлим жазоси бекор қилиниб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши шулар жумласидандир.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазманинг очилишида шулар хусусида сўз борди. Вилоят ҳокимлиги ва адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмадан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги адабиётлар, ўқув қўлланмалари, плакатлар кенг жой олган.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# АКТ ва халқаро тажриба

***Тошкент шаҳрида Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги сиёсатнинг ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган миллий семинар очилди. У БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "АКТ сиёсати" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Тадбирда АКТ ва ҳуқуқ соҳасининг етакчи мутахассислари ва экспертлар, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирда АКТ ривожи корхона ва хусусий шахслар учун тезкорлик билан ахборот алмашиш ва кўп томонлама келишувларда халқаро миқёсда электрон шакл ва усулда иштирок этиш имконини бериши таъкидланди. Бу, айни пайтда, шартнома тузишдаги электрон усуллар юридик кучидан то Интернет тармоғида интеллектуал мулкка доир ҳуқуқни ҳимоя қилишгача бўлган бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий муаммоларни ҳал этишни тақозо қилади. АКТ соҳасининг бошқарув идоралари бундай муаммоларга мунтазам дуч келмоқда. Уларни ҳал этиш йўлларидан бири фуқароларни атайлаб етказилаётган зарардан ҳимоя этиш мақсадида электрон тижоратни ривожлантиришга хизмат қиладиган қонун-қоидаларни бирхиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишдир.

Семинарда тезкорлик билан ривожланиб келаётган электрон тижорат ва унинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ соҳаларга доир ҳуқуқий масалалар муҳокама қилинмоқда. Бу – АКТнинг ҳуқуқий инфратузилмаси ва муҳофазаси, уларнинг юридик аниқлиги ва ишончлилигидир. Бу жиҳатлар доирасида товар белгисини қўллаш, муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантиришга кўмак берувчи янги лойиҳалар ва илғор халқаро тажрибага алоҳида эътибор қаратилади. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция бўлими директори А. Васильев, БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари К. Постилл, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ф. Аъзамов ўз чиқишларида шу ҳақда гапирдилар.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиат ресурсларидан фойдаланишда мувозанатни бузмаслик ҳозирги замоннинг тобора ўткир муаммолари қаторидан ўрин олмоқда. Глобал атроф-муҳитнинг аҳволидан ташвиши ортаётган халқаро ҳамжамият табиатга оқилона ва тежамкорлик билан ёндашишни юзага келтириш учун бор куч-ғайратини сарфламоқда.***

# АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК



Глобал экологик фонд (ГЭФ) — шу йўналишда фаолият олиб бораётган халқаро обрў-эътиборли ташкилотлардан биридир. Мазкур ташкилот БМТ Ривожланиш дастури, ЮНЕП ҳамда Умумжаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган тажрибавий дастур сифатида 1991 йилда таъсис этилган.

Ана шу халқаро дастурнинг Ўзбекистонга ташриф буюрган бош ижрочи директори ва раиси Моника Барбют хоним журналистларнинг саволларига жавоб беришга бажонидил рози бўлди.

— Энг аввало, шуни айтишни истардимки, — деди Моника Барбют хоним, — ГЭФ жаҳонда экология масалалари билан шуғулланувчи энг йирик фонддир. Унинг бисоти 3,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Дастурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга ҳамкорликда молиялаштириш учун маблағ жалб этилади. Ташкил этилган пайтидан бошлаб (1991 й.) ГЭФ томонидан белгиланган мақсадларга 7,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағ ажратилди, шунингдек, қўшимча равишда яна 16 миллиард доллар миқдоридаги маблағ жалб этилди. Бу маблағ ер юзидаги 140 та мамлакатда 1900 та лойиҳани ишлаб чиқишга имкон берди.

**— Барбют хоним, мамлакатимизга ташрифингиздан кўзланган мақсад тўғрисида эшитмоқчи эдик. Ташриф чоғида Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда мавжуд экологик муаммолар билан танишишга муваффақ бўлдингизми?**

— Минтақа бўйлаб сафарим тўғрисида гапирадиган бўлсам, мен шу кунгача Қирғизистонни бориб кўрдим. Ўзбекистон билан танишганимдан кейин Туркманистон ва Озарбойжонга йўл олишни режалаштираяпман.

Мамлакатингизда амалга оширадиган ишларим кўп эди, кўпгина самарали учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаб айтишни истардимки, Ўзбекистон вакилларининг атроф-муҳитни асраб-авайлаш соҳасидаги тажрибаси ибратли даражададир. Муваффақиятли иқтисодий ривожланишга эришилганлиги туфайли Ўзбекистон раҳбарияти мелиоратив дастурни амалга ошириш ишига 120 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажрата олганлиги менда чуқур мамнуният уйғотди.

**— Минтақадаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги экологик муаммолар тўғрисида қандай фикрдасиз?**

— Назаримда, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар муштарак муаммоларни бошдан кечирмоқда. Бу, энг аввало, ер деградацияси (емирилиши), биохилма-хилликнинг сақланиши зарурати, шунингдек, сув ресурсларининг нотекис тақсимоти масалаларидир. Ва яна, ўйлашимча, об-ҳавонинг глобал исиши ортиб бориши ва иқлим ўзгариши жараёнлари билан боғлиқ равишда яқин 20 йиллар ичида тобора ўткирлашадиган яна бир қатор жиддий муаммолар ҳам мавжуд.

Яна бир ҳолат шундан иборатки, минтақадаги шаҳарларнинг тез ривожланиб бориши натижасида яқин келажакда транспортга тааллуқли муаммолар вужудга келиши мумкин. Ҳозирча бу муаммо бошқа мамлакатларга қиёслаганда, сизларда айтарли кўзга ташланмайди. Бироқ, шундай муаммолар туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боисдан ҳам имкон борида бу муаммонинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, сизларнинг мамлакатингизга хос жуда бой биохилма-хиллик менинг диққатимни тортди. Бу заминда шундай мева ва сабзавот турлари борки, улар инсон тирикчилиги учун ниҳоятда муҳим. Бу мева ва сабзавотлар айнан шу ерда етиштирилади, уларни сақлаб қолиш ва асраб-авайлаш жуда-жуда зарур.

**— Табиатни ҳимоя қилувчи нуфузли халқаро ташкилот раҳбари сифатида Сиз экологик бўҳронни бошдан кечираётган кўпгина давлатларнинг шароитидан огоҳсиз, албатта. Шунга биноан, Марказий Осиёдаги экологик вазиятни жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги аҳвол билан қандайдир даражада қиёслаб кўриш мумкинми?**

— Ҳар бир мамлакат ва минтақа ўзига хос жиҳатларга эга, шу билан бирга кўпгина ўхшаш ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, иқлимнинг ўзгараётганлиги, озон қатламини сақлаб қолиш учун курашни олайлик. Айни пайтда, ушбу минтақада сувдан давлатлараро адолатли фойдаланиш ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолаяпти. Афтидан, Марказий Осиёдаги бундай муносабат билан боғлиқ вазият ўзининг сиёсий ечимини кутиб турибди. Айтиб ўтишим керакки, ГЭФ бу борада холисона ва илмий асосларга таянган катта тажрибага эга.

Масалан, Миконг дарёсидан фойдаланиш бўйича комиссия туздик. Бошқа минтақаларда бўлганидай, бу дарё атрофидаги ҳудудларда ҳам сув тақсимоти масаласида ўзаро муаммолар юзага келган эди. Ушбу дарёнинг юқори қисмида кўпгина тўғонлар қурилган, дарёнинг қуйи қисмида эса Вьетнам, Камбоджа, Лаос каби мамлакатлар мавжуд бўлиб, улар ҳам шу дарё сувидан фойдаланишарди. Биз ана шу масаланинг ечими билан шуғулланадиган махсус комиссия туздик. Гарчи бу муаммо анчамунча вақтимизни олган ва унинг ечими осонлик билан юз бермаган бўлсада, биз мазкур мамлакатлар, барибир,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ

## АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ ДЕНОВ ФИЛИАЛИ

2008 йил 1 ва 8 август кунлари Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Денов ш., Остонақулов к., 89-уй манзилидаги «Дунё» МЧЖ мажлислар залида соат 11.00 да нархи босқичма-босқич ошириб бориш тартибида очиқ аукцион савдолари ўтказади.

**Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

* Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 июндаги 19-0709-2161-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Дунё» МЧЖга тегишли 16 номдаги инвентар ва материаллар.

***Бошланғич баҳоси — 5 200 000 сўм.***

* Сурхондарё вилояти, Денов тумани «Ғўза уруғчилик» хўжалигига қарашли, 1965 йилда қурилган дала шийпони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 753 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мол-мулклар белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг жума куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз. Ушбу мулкларни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш истагидагилар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдоридаги закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй, телефонлар: 238-69-94, 238-69-93 ва Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 241-уй, телефонлар: 8 (376) 412-24-70, 412-21-39.**

1093Н/1152

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

## ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ

**фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича 2009-2011 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар ва 2009-2010 йилларда бажариладиган инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш учун лойиҳалар танловини эълон қилади.**

**Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларида танишиш мумкин.**

***Танловга лойиҳалар эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 2008 йил 5 сентябргача шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.***

**Қўшимча маълумотларни WWW.ftk.cc.uz сайтидан олиш мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар:**

- **Қўмита ижро аппаратида: 233-69-23, 233-69-61, 232-20-68;**
- **Фанлар академиясида: 233-29-81, 233-59-86;**
- **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида: 246-01-54;**
- **Халқ таълими вазирлигида: 239-83-45;**
- **Соғлиқни сақлаш вазирлигида: 242-12-08;**
- **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида: 241-65-19.**

1090R/987

## Аҳоли ва фермерларга қулайлик

**Интилиш**

Тошкент вилоятида Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш асносида қатор эътиборга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича 168 та зооветеринария пункти, 155 та ем сотадиган дўкон, кўплаб сунъий урчитиш, даволаш-профилактика шохобчалари ва дорихоналар ишлаб турибди. Яқинда эса уларнинг сони яна биттага ортди. Зангиота туманидаги "Бекбарака агро" фермер хўжалиги қошида молларни сунъий қочириш пункти очилди. Шунингдек, сутни қайта ишловчи янги цех қурилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўқишга марҳамат!*

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**2008-2009 ўқув йилида қуйидаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаликка қабул эълон қилади.**

### 1. Бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

1. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (ўзбек).
2. Педагогика ва психология (ўзбек).
3. Касбий таълим:
   * амалий санъат (ўзбек);
   * электроника ва микроэлектроника (ўзбек);
   * ижтимоий-иқтисодий соҳа (ўзбек).
4. Мусиқий таълим (ўзбек).
5. Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари (ўзбек).
6. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (ўзбек, рус, тожик).
7. Мактабгача таълим ва болалар спорти (ўзбек).
8. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзбек, рус).
9. Меҳнат таълими (ўзбек, тожик).
10. Филология:
    * ўзбек тили;
    * рус тили;
    * тожик тили.
11. Астрономия (ўзбек).
12. Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) (ўзбек, рус).
13. Фалсафа (ўзбек).
14. Социология (ўзбек).
15. Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) (ўзбек, рус).
16. Юриспруденция (ўзбек, рус).
17. Биология (ўзбек, рус, тожик).
18. Физика (ўзбек, рус, тожик).
19. Механика (ўзбек).
20. Кимё (ўзбек, рус).
21. География (ўзбек, рус).
22. Гидрометеорология (ўзбек).
23. Математика (ўзбек, рус, тожик).
24. Амалий математика ва информатика (ўзбек).
25. Ижтимоий иш (фаолияти турли соҳалар бўйича) (ўзбек).
26. Экология ва табиатдан фойдаланиш (ўзбек).
27. Хотин-қизлар спортини ривожлантириш (ўзбек, рус).

***Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза; 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома; 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат; ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.***

### 2. Махсус сиртқи бўлимларда бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

1. Касбий таълим (амалий санъат) (ўзбек).
2. Мусиқий таълим (ўзбек).
3. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (ўзбек, рус).
4. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзбек).
5. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (ўзбек).
6. Ўзбек тили ва адабиёти.
7. Она тили ва адабиёти.
8. Мактабгача таълим ва болалар спорти (ўзбек).
9. Меҳнат таълими (ўзбек).



***Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза; 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома; 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат; ўрта ёки ўрта махсус, педагогик маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.***

Махсус сиртқи бўлимнинг педагогика таълим йўналишларига қабул фақат ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлардан амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Кундузги ва махсус сиртқи бўлимларга ҳужжатлар 2008 йил 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади. Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

### 3. Магистратура мутахассисликлари бўйича:

1. Мусиқий таълим.
2. Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари.
3. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият.
4. Музейшунослик, консервация ва бадиий бойликларни сақлаш.
5. Адабиётшунослик:
   * ўзбек адабиёти;
   * рус адабиёти;
   * тожик адабиёти.
6. Лингвистика:
   * ўзбек тили;
   * форс, тожик, араб тиллари.
7. Ватан тарихи.
8. Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари.
9. Археология.
10. Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти.
11. Ботаника.
12. Биокимё.
13. Назарий физика.
14. Лазер физикаси.
15. Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.
16. Магнит ҳодисалари физикаси.
17. Физика фанини ўқитиш методикаси.
18. Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси.
19. Аналитик кимё.
20. Органик кимё.
21. Физик география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси.
22. Математик анализ.
23. Дифференциал тенгламалар.
24. Геометрия ва топология.
25. Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси.
26. Ҳисоблаш математикаси.
27. Амалий математика ва ахборот технологиялари.
28. Математик моделлаштириш.
29. Математик физика.
30. Агротупроқшунослик ва агрофизика.
31. Экология.



***Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза; 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома; 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат; бакалавр дипломи асл нусхаси (дипломдан қабул қилинган шаклдаги кўчирма). Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.***

***Ҳужжатлар 2008 йил 1 июлдан 31 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.***

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Физика-кимё йўналишлари биноси. Телефон: 235-01-74.**

*СамДУ қабул комиссияси.*


## ТАШКИЛОТ СОТАДИ




Тўлов нақд пулда.
Етказиб бериш муддати— бир ой.
Божхона тўловлари баҳога киритилган.
Буюртма бўйича
**Т. 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97.**
1084R/977


**Паррандачилик**

***Сурхондарё вилоятидаги шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида 1 миллион 400 мингтага яқин парранда парвариш қилинмоқда.***

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ



Белгиланган режага кўра, жорий йилда ушбу кўрсаткични икки бараварга кўпайтириш кўзда тутилган.

Вилоятда ҳозир ҳар етти фермер ўз паррандачилик тармоғига эга. Қумқўрғон туманидаги «Турон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фермерларга арзон баҳода жўжа ва товуқ етказиб бермоқда.

Донни қайта ишлаш корхоналари эса паррандабоп омихта ем ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва жойларда унинг савдо шохобчаларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** ультразвуковые «Гобой-1»

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** вихревые СВГ.М




На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57


ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тендер муддати 2008 йил 2 июлдан 17 июлгача узайтирилганлигини эълон қилади:

⇨ **МОЛ ЁҒИ;** ⇨ **САРИЁҒ.**

Тендер ҳужжатларини олиш учун 100 000 сўмни Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 17 июль соат 17.00 гача.**

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 269-88-54, 269-88-02.





**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.**
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
EURO2008
HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

